SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Jild 3, Son S/8
2023

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V3SI8Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ S/8 (3)-2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал:
https://t.me/scienceproblems_uz

**МУНДАРИЖА**

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Намазова Умида Нормуродовна*
ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945 ГОДЫ)........ 10-15

*Эрназаров Туйгун Раджабович*
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ........ 16-21

*Хужаниязов Уктам Ешбаевич*
"ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ" СТУДИЯСИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ........ 22-27

*Шаимкулов Азамат Холмуратович*
ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ........ 28-38

*Муродов Ҳалим Салимович*
ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР........ 39-46

*Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли*
ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ– ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН........ 47-51

*Shonazarova Nargiza*
TOSHKENT SHAHRIDA "OBOD MAHALLA" DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR........ 52-57

*Axmadova Nafisa Axmad qizi*
OʻZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI........ 58-64

*Qodirova Ra'no Mamirjonovna*
OʻZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINING OʻQITILISHI........ 65-70

*Yunusxoʻjayev Habibulla Zafar gʻoʻli*
SHARQDA KUCHLI IJTIMOIY HIMOYA TIZIMI TARIXI........ 71-75

*Нарбеков Абдикамил*
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО СУЩНОСТЬ........ 76-80

*Alimova Gʻunchaxon Baxadirovna*
JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN VA DAVLAT MISOLIDA........ 81-85

*Jumanazarova Fotima*
XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI........ 68-93

## 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich*
PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS: A LITERATURE REVIEW........ 94-100

*Hamrayev Amirzoda*
ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KOʻRSATUVCHI TASHKILOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI ........101-109

*Хайтбоева Нигора Бакмататовна*
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ ........110-119

*Xalilov Qahramon Qurbonboyevich*
MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASTERINI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELI........120-132

*Махмудов Турсунпулат Давронович*
ИНВЕСТИЦИЯ МАНБАЛАРИНИНГ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ ........133-144

*Ishchanova Salomat*
KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING OʻRNI........145-150

*Мўйдинова Зилола Вохид қизи*
ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА “АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЙЎЛОВЧИ ҲАРАКАТИ” МОБИЛ ИЛОВАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ........151-158

*Samandarov Oʻgabek, Ismoilov Shohjahon*
TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING OʻZIGA XOS JIHATLARI ........159-164

## ***09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***

*Саидова Камола Усканбаевна*
ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ ........165-173

*Omonturdiyev Orzu Gʻafforovich*
INSONNING MA’NAVIY MOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI ........174-179

*Очилова Гузаль Араловна*
ЮКСАК МАЪНАВИЯТ–МАНФААТЛАР БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ........180-185

*Nurmatova Umida Jalolidinovna*
MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA’LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI........186-192

*Vafayeva Dilafruz Artikovna*
AHMAD YASSAVIY TASAVVUFIY TA’LIMOTIDA MA’NAVIY BARKAMOLLIK........193-198

*Karimov Zafarbek Ataboyevich*
IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MEXANIZMLARINING SOGʻLOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI........199-202

*Bozorova Roʻzigul Sharofovna*
MEHRSIZLIK HODISASINI KELTIRIB CHIQARUVCHI OMILLAR ........203-212

*Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna*
DINIY MANBALARDA IJTIMOIY HAMKORLIK OʻOYALARI ........213-218

*Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna*
TASAVVUF FALSAFASIDA GOʻZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI ........219-224

*Dehqonov Behzod Baxtityorovich*
YANGI O‘ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING BAG‘RIKENGLIK G‘OYALARINI O‘RNI VA AHAMIYATI ........................................225-230

*Abdullayeva Firuza Sharipovna*
NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI ........................231-236

*Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich*
SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING “AVORIF UL -MAORIF” ASARI VA UNDA ILGARI SURILGAN G‘OYALAR ........................................237-243

*Ибрагимов Солижон Эргашович*
АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАҲДИДИ........................................244-251

### *10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*

*Qodirova Mukaddas Tog‘ayena*
BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI........................................252-257

*Abdullayev Ikramjon Xashimdjanovich*
DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE ........................................258-265

*Hamroyeva Sharifa Shukur qizi*
TARJIMADA MILLIY SO‘ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING “NAVOIY” ROMANI INGLIZCHA TARJIMASI MISOLIDA) ........................................266-271

*Olimova Gulfiza Muradullayevna*
BADIIY SAN’AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO‘LLANILISHI........................272-281

*Айниддинов Иқрориддин Шарифович*
АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ........................................282-287

*Turaeva Dilfuza Daminovna*
O‘ZBEK TILIDA OBRAZLI SO‘ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI ........................288-295

*Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna*
LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA SIFATIDA NAMOYON BO‘LISHI........................................296-305

*Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldoshev Rustam Dilshod ugli*
LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES ........................................306-311

*Isroilova Manzura Jamolovna*
FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING KOMMUNIKATIV TA`SIRI XUSUSIDA ........................................312-317

*Шамақсудова Саодат Хидоятовна*
МАССМЕДИА АСПЕКТИНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР........................................318-324

*Шатова Ирина Юрьевна*
ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ ........................................325-330

*Nortoyeva Nodira Muhammadaliyevna*
FRAZEOLOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING KOGNITIV ASOSLARI ........................................331-335

*Alimjanova Shohsanam Azamat qizi*
KO‘P MA‘NOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI ....................336-340

*Турниязова Шахноза Нигматовна*
МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР ....................341-347

*Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich*
INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI ....................348-352

*Aminova Dilnoza Xikmatullayevna*
THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY ....................353-358

**12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи*
ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ ....................359-365

*Mamataliyev To‘lqin Xushmamat o‘g‘li*
O‘ZBEKISTONDA MASOFAVIY TA’LIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI ....................366-378

**13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Saidov Jur’at Sodirovich*
MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA BERISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ....................379-384

*Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,*
TEXNIK OLIY O‘QUV YURTLARIDA OO‘ZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH USUL VA METODLARI ....................385-390

*Таджиходжаева Эльвира Рашидовна*
ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ ....................391-396

*Тўрахонова Барно Турсунбой кизи*
БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ....................397-406

*Ashurova Sitora Erkinovna*
USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION ....................407-412

*Каримжонова Мунаввар Ибрагимовна*
ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида)....................413-421

*Xamirayev Rustam Abdirazakovich*
VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH ....................422-426

*Хашимова Масуда Камилжановна*
КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЦИИ НАУК ....................427-435

*Бердикулова Насиба Эркинжоновна*
СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ ....................436-442

*Saidnazarova Gulshan Bolta qizi*
AL-BUXORIYNING MA’NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O‘RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA ....................443-448

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/8 (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*13.00.00–Педагогика фанлари*

**Тўрахонова Барно Турсунбой кизи**
Андижон давлат университети
Ижтимоий-иктисодиёт факултети
Умумий психология кафедраси катта ўкитувчиси

## БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

**Аннотатсия.** Мазкур маколада бўлажак педагог-психологларни тарбиявий фаолиятидаги дидактик имкониятлари хамда тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг педагогик мазмуни, тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда тарбия методларини ҳам мақсадга мувофиқ танлаш ва ўз ўрнида қўллаш асослари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Тарбия, дидактик, имкониятлар, модул, фаолият,вазифалар, педагог-психолог,бўлажак, таълимий,тарбиячи.

**Turakhonova Barno Tursunboy kizi**
Andijan State University Faculty of Socio-Economics
Senior lecturer of the Department of General Psychology

## DIDACTIC POSSIBILITIES OF PREPARING FUTURE EDUCATORS-PSYCHOLOGISTS TO ORGANIZE EDUCATIONAL ACTIVITY

**Abstract.** The didactic possibilities of future pedagogues-psychologists in their educational activities, as well as the pedagogical content of improving the system of training for the organization of educational activities, the basis of choosing educational methods in the improvement of the system of training for the organization of educational activities and using them in their place are highlighted in this article.

**Key words:** Education, didactic, opportunities, module, activity, tasks, pedagogue-psychologist, future, educational, educator.

**Турахонова Барно Турсунбой кизи**
Андижанский государственный университет
Факультет социально-экономики
Старший преподаватель кафедры общей психологии

## ДИДАКТИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГИ-ПСИХОЛОГОВ К ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Аннотация.** Дидактические возможности будущих педагогов-психологов в их педагогической деятельности, а также педагогическое содержание совершенствования системы подготовки к организации образовательной деятельности, основы выбора образовательных методов при совершенствовании системы подготовки к организации. образовательных мероприятий и их использование вместо них освещены в данной статье.

**Ключевые слова:** Образование, дидактика, возможности, модуль, деятельность, задачи, педагог-психолог, будущее, образовательный, воспитатель.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N56

**Кириш**

Тарбиянинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларининг уйғунлиги бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашни ривожлантириш, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг тарбиявий фаолиятини ташкил қилиш мақсадида аввало тарбия жараёнини педагогик мазмуни, самарали шакл ва методларини тўғри танлашга бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг педагогик мазмуни ўқув услубий адабиётлар ва қўлланмалар, дарсликлар, ДТС, намунавий ва ишчи дастурларда ўз аксини топган бўлиб, тарбиявий жараёнда замонавийликни таъминлаш яъни тарбиявий ишларда илмий асосланган ва тажрибада синалган тарбияга оид янгиликлар, фаол методлар ва шакллар, тартиб қоидаларни жорий этишнинг мажбурийлигига, шунингдек таълимнинг тараққиёт даражаси унинг мазмунига киритилаётган фан-техника ютуқлари билан тавсифланади.

Биз мазкур макола доирасида тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг педагогик мазмунини белгилаб беришда юқоридаги компонентлар билан бир қаторда:

– модулли-тармоқли: тарбиявий жараённинг алоҳида таркибий асослари (модул)лари, хусусий, тармоқли, методик вазифаларни ҳал этишга ёрдам берадиган (масалан: тарбия жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари, тарбия турлари, тарбиявий фаолиятни ташкил этиш технологияси, тарбияланганликни ташхис этиш) технологиялардан фойдаланиш;

– тарбиявий жараёнда интеллектуал соҳани ривожлантириш, яъни соғлом (саноген) тафаккур, когнитив стратегиялар, тарбиявий ишларни ташкил этишга оид билим, уқув ва кўникмаларни шакллантириш жараёни;

– тарбиявий жараёнда ироданинг ривожлантириш;

– тарбиявий фаолиятда мотивацион соҳани ривожлантириш;

– тарбиявий фаолиятда эмоционал соҳани ривожлантириш;

– тарбиявий фаолиятда педагогик технологияларнинг самарали усул ва воситаларини қўллаш орқали талабалар ўзлаштиришлари лозим бўлган материалларни идрок этиш, билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун кўникма ва малакалар ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этади, деган хулосага келдик.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Илмий изланишлар ва тадқиқотларимиз жараёнида бир қатор педагог олимларнинг мазкур соҳага оид илмий изланишлари тўғрисидаги фикрларини мушоҳада қилдик ва бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг педагогик мазмунини: тарбия жараёнига дидактик ёндашадиган бўлсак, бу жараённинг асосий компонентлари (тарбия мақсади, тарбия мазмуни, тарбия методи, тарбия воситаси, тарбия натижаси) асосида қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:

- тарбия мақсади билан боғлиқ инновацион тарбия интеграцияси;

- тарбия мазмуни билан боғлиқ педагогик инновациялар: янги “Тарбия” фани дастурлари, дастурни такомиллаштирувчи, ўқув материалини тўлдирувчи;

- тарбия мазмунини лойиҳалашга кўра – меъёрий ҳужжатлар ўзгариши асосида режали, олдиндан ўйланган, ички ва ташқи;

- тарбия методларини қўллаш билан боғлиқ педагогик инновацион муҳит;

- олий таълим тизимида тарбиявий жараён шакли ва турида: даражасига кўра такомиллаштириш, кўринишини ўзгартириш, маълум услубиёт элементларини янгича талқинда ишлаб чиқиш;

- тарбия воситаси билан боғлиқ тарбия мазмуни;

- тарбия натижаси билан боғлиқ тарбия мазмуни.

Фикримизча, олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши бўлажак педагог-психологларининг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда тарбия мазмунига мос, шунингдек, тарбия жараёнининг бошланғич босқичида талаб этилган замонавий тарбиявий фаолиятга эга бўлган рақобатбардош кадрларни етиштириш шарт - шароитларини тўғри ташкил этиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бу эса, бўлажак педагог-психологларни тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш жараёнларида ҳар бир педагог белгиланган тарбия мақсадига эришиш бўйича тарбия берувчи ва тарбия олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўлини танлайди деган илмий хулосага келишимизга сабаб бўлади. Масалан, анъанавий методлар (унинг асосида фалсафий ва педагогик тизимлар ташкил этади), кўргазмали методлар, акс эттирувчи методлар, китоб билан ишлаш методи, видео методлар.

Бу борада мақсадига кўра методларнинг турларини таҳлил этар эканмиз уларни уч тоифага ажратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- шахс онгига таъсир кўрсатиш методлари;

- фаолиятни ташкил этиш методлари;

- фаолиятни рағбатлантириш ва коррекциялаш методлари.

Бўлажак педагог-психологларни тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда мазкур методлар ўзига хос вазифаларни бажаради, яъни: мотивлаштирувчи, ташкиллаштирувчи, ривожлантирувчи, таълимий, тарбиявий. [1]

Демак, бўлажак педагог-психологларни тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда тарбия методларини ҳам мақсадга мувофиқ танлаш ва ўз ўрнида қўллаш талаб этилади. Шунингдек, тарбия воситалари: ўқитувчилар ва талабалар томонидан тарбия мазмунини ўзлаштириш учун қўлланиладиган моддий ва идеал объектлар таълимий ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради; иккинчидан ўқитувчи ва талаба томонидан тарбия жараёнида қўлланадиган турли объектлари; қуйидагиларни таъминлайдиган жиҳозлар, ёрдамчи тарбия воситалари ва тарбиявий материаллар:

- тарбиявий иш материалини намойиш этиш ва визуализациялаш, уни тушуниш ва эслаб қолиш;

- тарбиявий иш материалини мустақил тарзда мустаҳкамлаш ва қўллаш учун имконият яратади.

**Муҳокама**

Бўлажак педагог-психологларни тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда ўқув-методик қўлланмалар, методик тавсиялар, методик ишланмалар, ўқув дастурлари, ўқув режаси, маъруза матнидан оқилона фойдаланиш муҳим педагогик омил бўлиб ҳисобланади. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, яна бир муҳим омил бўлажак педагог-психологларнинг методик тайёргарлигига қўйиладиган малака талабларининг ДТС ва фан дастурларига мос келиш даражаси. Бу борада тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, олий таълим тизимида бўлажак педагог-психологларнинг методик компетентлилигини ривожланишига, яъни компетенциялар тизимини баҳолашда асосий эътиборни креативлик, ижодий тафаккурни шакллантириш билан боғлиқ компетенцияларга алоҳида эътибор қаратилганлиги аҳамиятлидир. Бу эса, ўз навбатида бўлажак педагог-психологларнинг методик компетентлилигини ривожланиш мазмуни, билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлилигига қўйиладиган малака талабларида мазкур жиҳатларни алоҳида эътиборга олиш заруратини юзага келтиради.

Шунингдек, бўлажак педагог-психологларнинг методик компетентлилигини ривожланишига қўйилаётган талаблар ва таълим конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда мактабгача таълим соҳасидаги бакалавриат йуналишлари бўйича таълим дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлиши таъминланиши зарур. [2]

Тарбиявий жараённи модернизациялаш шароитида инновацион фаолият муҳитини амалга ошириш механизми ва ташкил этишнинг истиқболли технологияси, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, инновацион жараённинг муваффақиятли бориши бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга бевосита боғлиқ. Биламизки, таълим-тарбия тизимидаги ҳар қандай янгилик ғоя, фикр, инновация бўла олмайди. Бунинг учун ислоҳот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб хизмат қилади. Бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш технологияси бевосита инновация асосида амалга оширилади, яъни шакл, восита ҳамда методлар янгиланади, тизимли ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг йўналишлари очилади, замонавий технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат самараларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Айтиш жоизки, инновацион технологияларни ташкил этувчи асосий тузилмаси, унинг компонентлари билан педагогик технологияга қўйиладиган талаблар ҳам бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Қуйида уларнинг асосий жиҳатларини келтириб ўтамиз (2.1.1-жадвалга қаранг).

**2.1.1-жадвал. Бўлажак педагог-психолгларни тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг технологик тузилмаси**

| **Тарбиявий технологиянинг компонентлари** | | **Тарбиявий технологияларга қўйиладиган методологик талаблар** | |
|---|---|---|---|
| **Ташхис** | Тарбия материалини ўзлаштириш даражасини ташхис қилиш ҳамда бир хил билим ва тажрибаларга эга тарбияланувчилар гуруҳини шакллантириш. | **Концептуаллик** | Ҳар бир тарбиявий технологияда тарбия мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик, дидактик ва ижтимоий-педагогик асосларни ўз ичига оладиган муайян илмий концепцияга эга бўлиши лозим. |
| **Мотивация ва ташкилий қисм** | Бу босқичда ўқитувчининг вазифаси талабаларда тарбиявий жараён материалига бўлган қизиқишларини ва билиш фаолиятини ошириши ҳамда уларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишдан иборат. | **Тизимлилик** | Тарбия технология тизимнинг барча белгиларини эгаллаши лозим: жараённинг мантиғини, унинг барча қисмларининг боғлиқлигини, яхлитлигини. |
| **Тарбия воситаларини ҳаракатга келтириш** | Бу бевосита тарбиявий ишни амалга ошириш босқичи бўлиб, тарбиявий воситалар ёрдамида талабаларнинг тарбиявий жараён материалини ўзлаштириш ишлари амалга оширилади. | **Бошқарувчилик** | Диагностик мақсадга мувофиқликни, режалаштиришни, тарбиявий жараённи лойиҳалашни, босқичма-босқич диагностика қилишни, натижаларни коррекциялаш бўйича воситалар ва методларнинг вариацияланишининг мумкинлигини назарда тутади. |
| **Назорат ва коррекция** | Тарбиявий жараён материалини ўзлаштириш сифатини назорат қилиш. | **Самарадорлик** | Замонавий тарбия технологиялар конкурент шароитида мавжуд бўлади ҳамда натижаси ва сарфланиш бўйича самарали бўлиши, тарбиявий ишнинг муайян стандартига эришишни кафолатламоғи лозим. |
| | | **Қайта ишлаб чиқарувчанлик** | Тарбия технологияларини бир хил типдаги бошқа таълим муассасаларида бошқа субъектлар томонидан қўлланилишини (такрорланишини, қайта ишлаб чиқилишини) назарда тутиши лозим. |

Бўлажак педагог-психологларни тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг методик компетентлилигини ривожлантиришда тарбия жараёни билан олимларнинг инновацион тарбия тўғрисидаги фикрлари бизга етакчи методологик манба бўлиб хизмат қилади. А.К.Колеченко технологияларни педагогик ва психологик типини ажратади. Унинг фикрича педагогик технологияларда операция ва ҳаракатлар

жисмонан сезиларли бўлса, психологик технологиялар эса яширин характерга эга бўлади: бу аниқ бир инсоннинг психикасидаги психик операциялар ва ҳаракатлардир [3:66].

Аниқловчи ва якунловчи тажриба ва кузатувларимиз давомида биз инновациялардан семинар-тренинг, визуал ўқитиш (икки нафар турли фан ўқитувчилари муайян кетмакетликда бир мавзу бўйича дарсларни ташкил этадилар) ҳамда матбуот конференцияларидан фойдаланиш тажрибаси асосида иш олиб бордик.

Якунловчи тажриба – синов ишлари жараёнида тарбия лойиҳаларини яратиш мазмунига алоҳида эътибор қаратдик. Бу эса бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда уларнинг касбий маҳоратларини оширишга ижобий ёрдам берди.

Айтиш ўринлики, Навоий давлат педагогика институти мактабгача таълим йўналиши битирувчи босқич бакалаври Дилноза Норимова томонидан “Тарбиявий тадбир ташкилотчиси” [4] концепцияси асосида ташкил этилган семинар ноанъанавий тарбия усул ва воситаларидан ўқув тарбия жараёнида фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш иконини берди. Бўлажак педагог-психологларнинг тадбирларни инновацион технологиялардан фойдаланиб ташкил этиши, малакали кадрлар тайёрлашда уларнинг методик ва креатив қобилиятларини шакллантиришда хизмат қилади. Шунингдек, педагогик тажриба орттириш учун ҳам замин яратади. Бунинг учун:

- “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқариш учун тарбиявий фаолият тўғрисида билим бериш самарадорлигини ошириш;

- бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш жараёнида ўқитувчи ва талаба муносабатини ривожлантириш;

- “Театр режиссёри”, “Тарбиявий тадбир ташкилотчиси” тўгаракларини тизимли йўлга қўйиш;

- тарбия воситаларидан фойдаланиш жараёнида педагог-психологларда дуч келаётган қийинчиликлар, шунингдек, “фаолиятсиз фикрлаш” сабабларини ўрганиш ва бартараф этишга эришиш;

- фан-техика тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида хорижий тажрибалардан оқилона фойдаланиш ва уларни талабаларга етказиш;

- назарий билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган аниқ якунга асосланган мантиқий тафаккурга ўтиш;

- бўлажак педагог-психологларга илғор билим бериш методи ҳисобланган компетенциявий ёндашув тамойилидан фойдаланиш каби сифатлардан иборат.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда бўлажак педагог-психологларни тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш мазмунини ташкилий ва мазмунли шароит асосида белгиланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ташкилий шароит. Бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашга хизмат қилувчи бевосита шакллар билан бирга билвосита тарбия шакллари асосидаги мустақил ўз-ўзини касбий ривожлантириш натижаларининг баҳоланишига алоҳида эътибор қаратиш.

2. Мазмунли шароит. Таълим мазмуни мактабгача таълими йўналиши мутахассислари ўзлаштириши лозим бўлган технологик харита. Бунда ДТС, малака талаблари, ўқув режалари, такомиллаштирилган таълим дастурлари, таълим

технологиялари асосидаги ўқув-методик мажмуалар, илмий ва ўқув-методик ишланмалар, электрон дарсликлар, назорат воситалари: ижодий педагогик топшириқлар, кейслар, ижодий топшириқлар, мутахассислик йўналишлари билан боғланган лойиҳа ишлари алоҳида ўрин тутади. [5]

Шунингдек, бўлажак педагог-психологларда замонавий методик кўникма ва компетенцияларни ривожлантириш, улардаги ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари билан ишлаш, амалиётга татбиқ этиш, илмий - тадқиқотчилик, педагогик креативлик кўникмаларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи, уларнинг эҳтиёжларига мослашувчан, ижодий йўналтирилган таълим дастурлари, ўқув модулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, таълим мазмунини модернизациялашда муҳим аҳамият касб этади. [6]

Бўлажак педагог-психологларнинг методик компетентлилигини ривожлантиришда “Эл юрт умиди” жамғармаси ҳузуридаги илмий - тадқиқот муассасалари ва марказлари базасида талабаларнинг стажировкаларини ташкил этилиши ҳам соҳадаги ўзига хос замонавий тенденциялардан саналади.

3. Технологик шароит. Тадқиқот мақсади, яъни бўлажак педагог-психологларни тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда ҳамкорликдаги муносабатларга имконият яратувчи тарбиявий ишнинг инновацион шакл, метод ва воситаларини амалиётга кенг татбиқ этиш, профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорат даражасини ошириш ва амалиётга татбиқ этиш учун технологик шароит асос қилиб олинди. Бунда муаммоли ўқитиш, ўйинли технологиялар (ролли - ишчан ўйинлар, тадбиркорлик ўйинлари), тренинг, видео-тренинглар, муаммоли семинарлар, маҳорат дарслари, тьюторлик, фасилитаторлик, педагогик муаммоли вазиятларни ечиш ва таҳлил қилиш, “Кейс-стади”, кичик гуруҳларда ўқитиш, микро - дарслар, ижодий тадқиқотчилик методлари, ўқув лойҳалари, аутотренингларни ташкил этиш ва ўтказиш методикасининг ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилди.

4. Рефлексив шароит. Яратилган дидактик шарт-шароитларнинг натижавий маҳсули сифатида компетенциявий ёндашувнинг сифат даражаси индикаторлари квалиметрияси ва мониторингига хизмат қилувчи рефлексив шароит мазмуни қуйидагича белгиланди:

- креатив кўникмаларни шакллантириш;
- педагогик-психологик, методик билимларини такомиллаштириш;
- дидактик материаллар, кўргазмалар ишлаб чиқишга ўрганиш;
- ижодий тадқиқотчилик қобилиятини шакллантириш;
- ўзини-ўзи методик ривожлантириш.

Бизнингча, олий таълим муассасаларида бўлажак педагог-психологларнинг “тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш” тушунчасининг мазмуни тарбия жараёнини технологик ташкил этиш хусусиятларни назарда тутмоқ зарур. Жумладан:

- умумпедагогик, хусусий методик (предметли), локал (модулли) тизимдан фойдаланиш;
- таълим-тарбия сифатини такомиллаштиришда тарбиявий жараённи лойиҳалаштириш ва педагогик қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш;
- тарбия жараёнида ўзлаштирилган методик билимлар бўлажак педагог-психологларни интеллектуал салоҳиятини оширишга эришиш.

Тадқиқотлар жараёнида бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш мазмуни бир қатор хусусиятларга эга эканлиги аниқланди, педагогик фаолиятнинг мақсади, вазифалари ва таснифи белгиланди: тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашга ўқиш, ўрганиш, ўргатиш, мақсад, мазмун, шакл, метод, методикалардан педагогик вазиятларда, билим, кўникма, моҳирлик, профессионал тажрибаларни ҳам киритиш зарур.

Маълумки, бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш мазкур жараёнда юзага келадиган ва фаолият давомида ривожланадиган асосий, таянч, мутахассислик ва узлуксиз таълим тизимлари орқали амалга ошади.

Илмий-педагогик таҳлиллар ва эмперик ўрганишларимиз, олий таълим муассасаларида мактабгача таълим ҳамда педагогика ва психология таълим йўналишида бўлажак педагог-психологларнинг мавжуд тарбиявий фаолиятга тайёргарлик даражаси бугунги замонавий шароитда уларнинг педагогик маҳорати ва креативлигига қўйиладиган талаблар тизимига тўла мос келмаслигини кўрсатди. Шу боисдан, тадқиқотлар давомида бўлажак педагог-психологларни тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тузилмаси аниқланди. Мазкур тузилмада бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш мазмуни таянч касбий компетенциялар, инновацион компетентциялар, касбий компетенциялар, шунингдек, метакомпетенциялар ва креативлик даражасини ўзида акс эттирувчи соҳага оид интеграл методик кўникмаларнинг ўзаро алоқадорлигида такомиллашиб бориши тавсифланди .

**Хулоса.** Тажриба ва кузатувларимиз асосида бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш қуйидаги босқичларда амалга оширилиши лозим, деган хулосага келдик:

1-босқич: олий таълим муассасалари мактабгача таълим ҳамда педагогика ва психология таълим йўналиши талабаларининг ижтимоий гуманитар, ихтисослик билимлар асосларини ўзлаштириш даври. Назарий билимларни ўзлаштириш, назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилувчи ўқув - амалий машғулотлари (маърузалар, лаборатория машғулотлари, семинар машғулотлари, педагогик амалиёт), ҳосил бўлган кўникмаларнинг малакага айланишини таъминловчи муаммоли, ижодий изланишни талаб этувчи амалий машғулотлар (жумладан, курс ва малакавий диплом ишлари, бакалаврлик ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлашга қаратилган машғулотлар) ва бошқалар.

2-босқич: мустақил равишда тарбиявий фаолиятни амалиётга қўллайдиган давр. Мустақил таълим олиш асосида методик имкониятларни кенгайтириш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, шахсий педагогик тажрибаларни таҳлил этиш, турли босқичдаги (мактабгача таълим бўлимларининг вилоят, шаҳар, туман ҳамда таълим муассасаси негизидаги) методик бирлашмалар фаолиятида фаол иштирок этиш, ҳамкасбларининг фаолиятини бевосита кузатиш (очиқ дарслар асосида), педагогик ўқиш, илмий анжуман (илмий-назарий ва илмий-амалий конференция ҳамда семинар) ларда иштирок этиш, тарбиявий тадбирлар, мусобақалар ташкил этиш, хорижий мамлакатларда тажриба алмашиш.

Ҳақиқаттан ҳам, бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш жараёнининг бундай босқичда амалга оширилиши тарбиядан кутилаётган натижаларга эришишни тезлаштиради.

Тадқиқотлар жараёнида бўлажак педагог-психологларнинг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашнинг психологик жиҳатларига эътиборимизни қаратдик. Бу жараён бевосита талабаларнинг ижтимоийлашуви ва ижтимоий ўзаро ҳамкорликни имитация қилиш билан тавсифланади.

**Адабиётлар/Литература/References:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 6-сон. 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3775-сон Қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.06.2018 й., 07/18/3775/1313-сон.
3. Абдуллаева Ш.А. Педагогика. – Т.: Фан ва технологиялар, 2015. – 288 б.
4. Абдураҳмонова З.А. Замонавий ўқитувчининг шахсий компетенциясини шакллантириш муаммолари // Замонавий таълим ж. – Т.: 2016. – №5. – 56 б.
5. Абдуқодиров А. А., Пардаев А. Х. Педагогик технологияларга оид атамаларнинг изоҳли луғати. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 44 б.
6. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси ва методологияси. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 104 б.
7. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т: 2003. – 280 б.
8. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
9. Азизходжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2000. – 52 б.
10. Бегимкулов У., Матназарова М., Адашбоев Ш. Инновационная основа модернизации системы переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров высших образовательных учреждений // Совершенствование процессов переподготовки и повышения квалификации, руководящих и педагогических кадров высших оброзовательных учреждений и передовой зарубежный опыт. Материалы междунар. конф. – Т.: Sanostandart, 2016. – 56-57 с.
11. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. – Т.: Фан, 2007. – 78 б.
12. Бейлина Н.С. Формирование социальной компетентности будущих бакалавров в деятельности куратора студенческой группы: автореферат дис. ... кандидата педагогических наук. – Тольятти, 2014. – 21 с.

13. Белкин А.С. Компетентность, профессионализм, мастерство. – Челябинск: ОАО “Южно-Уральский кн. изд-во”, 2004. – 176 с.
14. Бермус А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании / Интернет-журнал "Эйдос". - 2005. – 48-49 с.
15. Боброва И.И. Место и функции дидактических средств информационно-коммуникационных технологий в учебном процесс // Дистанционное обучение: возможности, проблемы и решения: сб. науч. ст. рег. науч.-практ. конф. – Магнитогорск: МаГУ, 2011. – 52-57 с.
16. Богданова А.В. Формирование информационно- коммуникативной компетентности студентов вуза с использованием технологии учебных полей// http://www.dissercat.com/content/formirovanie-informa tsionno-kommunikativnoi-kompetentnosti-studentov-vuza-s-ispolzovaniem-te#ixzz5KZOW98Kb.
17. Вербицкий А.А. Личностный и компетентностный подходы в образовании: проблемы интеграции / А.А. Вербицкий, О.Г. Ларионова М.: Логос, 2009. – 336 с.
18. Витковская Н.Г. Формирование информационной компетентности студентов вузов (на примере специальности “Журналистика”): Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – Нижний Новгород: 2004. – 25 с.
19. Воронин А.А. Культурно-образовательный досуг как институциональная форма воспитания студентов: автореферат дис. ... кандидата педагогических наук. – Москва, 2012. – 22 с.
20. Внукова Н.В. Дидактические условия активизации творческой познавательной деятельности учащихся 5-7 классов: На материале преподавания математике: автореф. дисс. … канд.пед.наук: 13.00.01– Липецк, 2001. –172 с.

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SPR1342V3SI8Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/8 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).